

SCOPE ACADEMIC HOUSE

B&M PUBLISHING

11th International Conference
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION
IN THE MODERN WORLD»

September, 10 - November, 30, 2020, Sheffield, UK

Conference Proceedings

Copyright © 2020
by Scope Academic House Ltd.
Office: Velocity tower
10 Finsbury Square
Sheffield
S1 1TA
Yorkshire
United Kingdom
S1 1TA

All rights reserved.

Published by B&M Publishing
For permission to use material
in this publication, please contact the publisher
2076 - 3rd Ave, Suite A
San Francisco, California, USA

Scope Academic House
UK, S Yorkshire, Sheffield

B&M Publishing
USA, San Francisco, California

SCOPE ACADEMIC HOUSE

B&M PUBLISHING

11th International Conference
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION
IN THE MODERN WORLD»

Science editor: Prof. Robert Draut

Copyright © 2020
by Scope Academic House LTD
Office 1 Velocity tower
10 st. Mary's gate
Sheffield
S Yorkshire
United Kingdom
S1 4LR

ISBN 978-0-9898799-4-2


DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11

All rights reserved.

Published by B&M Publishing.
For permission to use material from this
text, please contact the publisher at
2076 – 16th Ave., Suite A,
San Francisco, California, USA 94116,

CONTENTS

<i>L.S. Elibayeva, I.B. Farmonova</i> THE ROLE OF MORALS IN THE UPBRINGING OF CHILDREN IN THE FAMILY	6
<i>H.A. Safoyev</i> TECHNOLOGIES OF EDUCATION OF STUDENTS IN THE SPIRIT OF MILITARY PATRIOTISM	8
<i>A.A. Valiyev</i> MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION.....	10
<i>U.I. Mamurov</i> PRINCIPLES OF SCIENCE AND OBJECTIVITY IN MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION.	12
<i>S.M. Imomova, F.N. Safoyeva</i> METHODS OF CRYPTOGRAPHIC PROTECTION OF INFORMATION	14
<i>A. Altinbaeva</i> DISTANCE LEARNING TECHNOLOGIES AND ORGANIZATION METHODS.....	16
<i>Sh.E. Nosirova, Z.E. Nosirova</i> DISTANCE LEARNING TECHNOLOGIES AND ORGANIZATION METHODS.....	18
<i>M.M. Sattorova, N.N. Turayeva</i> REASONS FOR SOIL EROSION AND ITS PREVENTION MEASURES.....	20
<i>I.R. Xoliqov</i> THE IMPORTANCE OF ARTISTIC LITERATURE IN THE MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION OF YOUTH	22
<i>V.T. Samadov</i> THE ROLE OF SCIENCE IN MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS.....	24
<i>F.B. Raximov, Sh.J. Shomurodov</i> ROLE OF LITERATURE, FILM, THEATER AND FINE ARTS IN THE MILITARY- PATRIOTIC EDUCATION OF STUDENTS.....	26
<i>E.Sh. Niyazov</i> FEATURES OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES.....	28
<i>A.M. Uzoqov, O.O. Yuldoshev</i> CREATIVE OPPORTUNITIES OF TEACHERS.....	30
<i>F.M. Oripova, N.G. Ikromova</i> FOUNDATIONS FOR FUTURE CHILD TRAINING	32
<i>Sh.N. Abduraxmanov</i> THE ROLE OF THE PEDAGOGICAL STAFF IN THE TRAINING OF MILITARY PATRIOTISM IN STUDENTS.....	34
<i>T.T. Nazarov, K.K. Jurabayev</i> THE NEED TO TRAIN STUDENTS FOR CIVIL PROTECTION.....	36
<i>L.F. Karimova, S.M. Gafarova</i> PEDAGOGICAL ASPECTS AND FEATURES OF THE USE OF AVICENNA'S TEACHING IN BIOLOGY LESSONS	38
<i>U.X. Temirov</i> PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF THE USE OF MODERN INFORMATION	



<i>B.S. Kurbanov, B.B. Samadov</i> PROTECTION OF INFORMATION SYSTEMS.....	77
<i>X.U. Xayatov, M.Sh. Muxsinova</i> DATA PROTECTION IN DISTRIBUTED INFORMATION SYSTEMS	79
<i>F.F. Norova</i> RELATIONSHIP OF DIFFERENT DISCIPLINES WITH INFORMATICS.....	81
<i>J.J. Atamuradov</i> PRINCIPLES OF CONSTRUCTION OF EFFECTIVE INFORMATION SYSTEMS.....	83
<i>G.B. Muradova, Sh.J. Shomurodov</i> MODELS OF BUSINESS SERVICE IN THE CLOUD SERVICE	85
<i>A.A. Abduaxadov, F.D. Xolmurodova, K. Yu. Sadullayeva</i> KEY BENEFITS OF USING AN ELECTRONIC DIGITAL SIGNATURE	88
<i>G.Sh. Fattoyeva, Sh.J. Shomurodov</i> METHODOLOGY FOR DETERMINING MATHEMATICAL CONCEPTS.....	90
<i>M.A. Qudratova</i> TYPES OF THEORIES AND METHODS OF THEIR PROOF.....	92
<i>J. Jumayev, G.M. Usmanova, Sh.B. Baxshilloyev</i> COMPUTER SIMULATION OF THE CONVECTION PROCESS BETWEEN TWO VERTICALLY LOCATED HEAT SOURCES	94
<i>Z.Z. Shirinov, Sh.Sh. Suvonova</i> METHODS FOR INFORMATION EXCHANGE CONTROL IN COMPUTER NETWORKS....	97
<i>B.N. Taxirov, A.A. Xakimov</i> MATLAB SYSTEM	99
<i>G.K. Zaripova, Sh.Sh. Baxronova, M.M. Muxammedova</i> THE ROLE OF THEORY AND APPLICATION OF INFORMATION SYSTEMS IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGY	101
<i>N.S. Sayidova, Z.B. Xo'jamqulova</i> PROBLEMS OF INFORMATION SECURITY.....	103
<i>N.H. Ergashev, M. Nekboyev</i> MODERN EDUCATIONAL TECHNOLOGIES AS A GUARANTEE OF THE QUALITY OF THE EDUCATIONAL PROCESS	105
<i>Z. Makovozova</i> GEOTOURISM POTENTIAL OF NORTH OSSETIA-ALANIA.....	107
<i>R. Durov, E. Varnakova, N. Kobzeva</i> STRATEGIES FOR THE PREVENTION OF CARDIOVASCULAR DISEASES	109
<i>U. Makhmudxodjayeva</i> SPECIFIC ASPECTS CONCLUSION OF PAID SERVICE CONTRACTS WITH THE PARTICIPATION OF THE INTERNAL AFFAIR ORGANS	112

Research Article

THE ROLE OF MORALS IN THE UPBRINGING OF CHILDREN IN THE FAMILY

L.S. Elibayeva¹
I.B. Farmonova²

¹Senior lecturer, Department of pedagogy of the Bukhara state University, Uzbekistan.

²Student, Department of pedagogy and psychology, Bukhara state University, Uzbekistan.

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11.1

Abstract


The article provides information on the role of morality in raising a child in a family.

Key words: raising children, moral education, morality, education, family, behavior.

Оилада, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор қон-қонимизга сингиб кетган бурчларимиздандир. “Бир болага етти қўшни ота-она” деган ибратли мақол ҳам айнан халқимизга хос. Мана шу мақолнинг ўзи ҳам фарзанд тарбияси, оилапарварлик биз учун нечоғлик муҳим эканини билдиради. Маҳалла аҳли, айниқса кексалар кўчада нобоп иш қилаётган бола олдидан ҳеч қачон бепарво ўтиб кетмаган, шу заҳотиёқ танбеҳ бериб тўғри йўлга чақирган. Зеро, ҳар томонлама чиройли, одобли, гўзал хулқли бўлиш, нафсни поклашга буюрувчи муқаддас динимиз оилага катта аҳамият беради. Оиладаги муҳит ота-она ўз маъсулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Болаларнинг одобли бўлиб улғайиши учун ота-она билан бир қаторда маҳалла-қуй ҳам катта ибрат мактабидир. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деб бежиз айтмаган халқимиз. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатидан олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак.

Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада болага эстетик, жинсий тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини қўяди. Таълим-тарбия, одоб-ахлоқ болаликдан берилгани маъқул. Расулulloҳ (с.а.в.): “Биронтангиз ўз фарзандларингизни тартиб-интизомга ўргатса, бу ҳар кун садақа бергандан яхшироқдир”, дея марҳамат қилганлар. Болаларни интизомга ўргатиш оила мустаҳкамлигига асос бўлади. Ислон шу маънода ота-оналарни ўз фарзандларига соғлом тарбия беришга рағбатлантиради. Ҳадиси шарифда “Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши хулқ билан хулқлантиринг” деб таъкидланган.

Фарзанд тарбияси жараёнида бола ҳуқуқларининг камситилмаслиги талаб этилади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбияга нисбатан болаларнинг руҳий оламига, ҳиссиёти ва туйғуларига чуқур таъсир кўрсатади. Фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак?, деган савол кўпчиликини ўйлантиради. Кўпчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деб жавоб берган. Яна шу сўзга қўшимча қилиб таниқли педагог А.С.Макаренко беш ёшгача бўлган тарбия боланинг шахсияти шаклланишида ўта муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этиб ўтган. Бу ҳақда у шундай деб ёзган: “...тарбиянинг бош асоси беш ёшда ниҳоясига етади, демак, сиз беш ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади, кейинги тарбия эса қайта тарбиялаш негизига давом этади”. Мана шу жараёнда бола



тарбиясига ўта эътиборли бўлиш лозим.

Ота-боболармиз азалдан ўғил қизларнинг гўзал хулқли, одобли бўлишига катта аҳамият берганлар. Бинобарин, ислом динида ҳам ахлоқ имон қаторига қўйилади. Фарзанд тарбия қилганда одатда ўғил болалар тарбияси билан кўпроқ ота, қиз бола тарбияси билан эса она шуғулланади. Албатта бунда фарзанднинг савиясини инобатга олиш муҳим. Болани бирор-бир ютуққа эришишида, натижани кўришга шошмаслик керак. Масалан икки ёшгача фақат ширин сўз билан, эркалаш орқали тарбия қилинади. Беш ёшгача бола атрофни ўрганади, асосий маълумотни шу ёш оралиғида эгаллайди. Бу даврда биз кўпроқ амалий жиҳатдан намуна бўлишга уринишимиз, соғлом оилавий муҳитни яратишимиз зарур бўлади.

Меҳр-муҳаббат беришда ҳам меъёрни сақлай билиш керак. Ортиқча талтайтириб эркалаш болани ҳар жиҳатдан сустлаштириб қўяди, меҳр кўрсатиш эса уни янада фаол бўлишга ундайди.

Диний таълимотларда ота-она ўз фарзандларига таълим-тарбия бериши ҳам долзарб вазифалардан деб қаралади. Бу ҳақда Муҳаммад (алайҳиссалом): *“Фарзандларингизга таълим беринг, чунки улар сизники бўлмаган вақт учун туғилганлар”*, деб ҳар бир ота-онани боланинг ўз замонаси илм-фани, таълимига бефарқ қарамасликка чақирганлар.

Тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзлик билан тарбиялашдир. Бу икки восита бир бўлиб, болани шакллантиради. Шу жумладан, таълимни ҳам ғазаб ва жазолаш билан амалга оширмаган маъқул. Зеро, зўрлаб берилган таълим бола хотирасидан тезда ўчиб кетади. Оқибатда унинг шу соҳага нисбатан қизиқиши сўниши мумкин. Бундан кўринадики, таълимнинг аввали ҳам яхши тарбиядан бошланади. Фарзандга билим олиш учун шароит яратиш ҳам ота-онанинг вазифасидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): *“Илм олиш ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарздир”*, деб марҳамат қилганларида, ўғил ва қиз фарзандларимизга илм олиш учун баробар шароитни таъминлаш кераклигини назарда тутганлар. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини равон айта оладиган, юқори марраларга эришувчан авлодни тарбиялаш учун ота-она, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади. Фарзандларимизга шундай тарбия берайлики, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

References:

Усмонхон Алимов. “Оилада фарзанд тарбияси”. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2014.